

Ўзбекистон Республикаси номидан
ҳал қилув қарори

2023 йил 26 июнь

Яккабоғ тумани

4-1806-2301/███-сонли иш

Яккабоғ туманлараро иқтисодий судининг судьяси С.А.Турсуновнинг раислигида, судья ёрдамчиси М.Буриевнинг котиблигида, аризачи вакили А.Сувоновнинг иштирокида, аризачи Қашқадарё вилоят Давлат солиқ бошқармасининг жавобгар «███» МЧЖ га нисбатан молиявий жарима қўллаш тўғрисидаги аризаси бўйича ишни Яккабоғ туманлараро иқтисодий суди биносида очик суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни
а н и қ л а д и:

Аризачи Қашқадарё вилоят Давлат солиқ бошқармаси судга ариза билан мурожаат қилиб, «███» МЧЖ га Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги 283-сонли қарори билан тасдиқланган «Ташқи савдо операциялари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан 329 071 547,70 сўм жарима қўллашни сўраган.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакили А.Сувонов суддан қонуний қарор қабул қилишни сўради.

Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинган тарафлар суд мажлисида вакил иштирокини таъминламади.

Суд, аризачи вакилининг фикрини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга асосан аризани қаноатлантиришни рад қилишни лозим деб топади.

Иш ҳужжатлари ва суд муҳокамасидан аниқланишича, иш бўйича жавобгарга юборилган талабномада ҳамда даъвогар томонидан берилган ташқи савдо операциялари бўйича ягона электрон маълумотлар базасидан маълум бўлишича «███» МЧЖ ҳамда Афғонистон давлатининг «BAHRAM FANIM Ltd» корхонаси билан тузилган 200673123305477067220100001 ИДН рақамли экспорт шартномаси бўйича 191 800 АҚШ доллари миқдорида муддати ўтган дебитор қарздорлиги мавжудлиги аниқланган.

Ҳисоблаш натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги 283-сонли қарори билан тасдиқланган «Ташқи савдо операциялари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан «эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимида товарларни республикага олиб кириш ва расмийлаштириш кечиккан товар суммасига нисбатан молиявий жарима ҳисобланиб, жавобгарга ҳисобланган жарима суммасини ихтиёрий тўлаб бериш тўғрисида 2023 йил 6 майда 32052-сонли талабнома берилган.

Бироқ, корхона томонидан дебитор қарздорлик бартараф қилинмаган ҳамда жарима ихтиёрий равишда тўланмаган.

Жавобгар томонидан экспорт контракти бўйича валюта келиб тушганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмаганидан сўнг, ДСИ томонидан жавобгарга молиявий жарима қўллаш тўғрисида судга ариза киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги 283-сонли қарори билан тасдиқланган «Ташқи савдо операциялари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 27-бандига кўра: Чет элдан хорижий валютадаги тушум тушиши кечиктирилишига йўл қўйган экспорт қилувчилар, шунингдек, «эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимида товарларни республикага олиб кириш ва расмийлаштиришни, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатишни 30 банк кунидан ортиқ

Ҳужжат имзоланган: Турсунов Салимжон Абдусаломович, 03.07.2023



таъминламаган импорт қилувчилар (кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун - 60 банк куни) белгиланган муддатлар тамом бўлгандан кейин:

180 кунгача кечикканда – тушмаган валюта маблағлари ёки «эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимида расмийлаштирилмаган товарлар, шунингдек, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар суммасининг 10 фоизига тенг миқдорда;

180 кундан 365 кунгача кечикканда - тушмаган валюта маблағлари ёки «эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимида расмийлаштирилмаган товарлар, шунингдек, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар суммасининг 20 фоизига тенг миқдорда қўшимча;

365 кундан ортиқ кечикканда - тушмаган валюта маблағлари ёки «эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимида расмийлаштирилмаган товарлар, шунингдек, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар суммасининг 70 фоизига тенг миқдорда республика бюджети даромадига қўшимча жарима тўлайдилар деб белгиланган.

Ушбу Низомнинг 28-бандига кўра, аризада кўрсатилган ташқи савдо контрактлари бўйича тўлиқ миқдорда валюта маблағларининг тушиши ёки товарларнинг республикага олиб кирилиши ҳамда «эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимида расмийлаштирилиши, ишлар бажарилиши ва хизматлар кўрсатилиши таъминланган тақдирда:

- жарима қўллаш масаласи судда кўриб чиқиладиган пайтда – аризани қаноатлантириш рад этилади, деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 14 июндаги “Фаол ишбилармонлик муҳитини шакллантиришни янада рағбатлантириш, солиқ мажбуриятини бажаришда аҳоли томонидан ортиқча харажатларга йўл қўймаслик ҳамда қўшимча иш ўринларини яратишга доир чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-192-сонли қарорининг 1-бандида, 2023 йил 1 июнь ҳолатига хўжалик юритувчи субъектларнинг ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлиги учун қўлланилган жарималар суммаси ҳисобдан чиқарилиши, шунингдек ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорликнинг вужудга келиш муддати 2023 йил 1 июндан бошлаб янгидан ҳисобланиши назарда тутилган.

Мазкур Президент қарорининг 2-бандида Солиқ қўмитаси ва Мажбурий ижро бюроси икки ҳафта муддатда ушбу қарорнинг 1-бандидаги солиқ қарзи, пеня ва жарималарни ундириш билан боғлиқ суд ва ижро ишлари тугатилишини таъминланиши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддасида давлат бозор муносабатларини ривожлантириш ва ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратади, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари устуворлигини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини кафолатлаши, 67-моддасида эса, давлат қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини таъминлаши назарда тутилган.

ЎЗР “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида” ги Қонунининг 12-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун фармонлар ва қарорлар тарзида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

Шунга кўра, суд ариза талабини қаноатлантиришни рад қилишни, олдиндан тўланган почта харажатини аризачи зиммасида қолдиришни, «Давлат божи тўғрисида»ги қонуннинг 9-моддасига асосан аризачи ва жавобгар ҳуқуқий таъсир ҳарасини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича давлат божи тўлашдан озод қилинганлигини инобатга олиб, иш бўйича давлат божи ундирмасликни лозим деб ҳисоблайди.



Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 176-179, 222 - моддаларига асосланиб, суд қ а р о р қ и л а д и:

Аризачи Қашқадарё вилоят Давлат солиқ бошқармасининг «[REDACTED]» МЧЖга нисбатан молиявий жарима қўллаш тўғрисидаги аризасини қаноатлантириш рад қилинсин.

Аризачи Қашқадарё вилоят Давлат солиқ бошқармаси томонидан почта харажати учун тўланган 33 000 суд харажати ўз зиммасида қолдирилсин.

Мазкур ҳал қилув қарори устидан ўн кунлик муддат ичида Қашқадарё вилоят судига апелляция тартибида шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин.

Судья

С.А.Турсунов

